

СИФАТИ
ХОРИЖНИКИДАН
ҚОЛИШМАЙДИ



2-бепт

ЁШЛАР
БИЗНИНГ
ЭРТАМИЗ



4-5-бептлар


РЕЖАЛИ
ТАДБИРЛАР
АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА

6-бепт

БИР
ШИНГИЛ
ТАБАССУМ

8-бепт

ЧОРШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 178 (9.981)

2003 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Чилонзор туманида жойлашган 9-туғруқхона негизда 2-шаҳар Перинатал маркази очилганлиги бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилувчи Аҳмад Югнакий номидagi савдо мажмуи фаолият бошлади.

● **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда шахримиздаги мактаблар кутубхоначиларининг аънавий кенгаши бўлиб ўтди. Унда мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси ИИВ қошидаги Ёнгин хавфсизлиги олий мактабда ўтказилган тадбир мазкур илм маскани ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланди.

● **АБДУЛЛА** Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтида ўқитувчилар, талабалар иштирокида тўй-маросимларни тартибли ўтказишнинг аҳамияти ҳамда ёшлар орасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш чоралари масалаларига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

● **МИРЗО** Улугбек номидagi Ўзбекистон миллий университетининг маданият саройида «Заковат» интеллектуал ўйини ижодкорлари томонидан «Зиё» наشريётида 5000 нусхада чоп этилган «Заковат» тақдим этади» номли янги китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТАДБИРКОРЛИК

Хамза туманида фаолият кўрсатиб, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишга интилаётган, ички бозорни харидоргир маҳсулотлар билан таъминлаётган корхоналар орасида «Муҳаммад Али савдо» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг ўз ўрни бор.

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулот турларини кўпайтираётган ва унинг сифати ва рақобатбардошлигига муҳим эътибор қаратаётган корхона тадбиркорлари ўтган 9 ой давомида ўз харидорларига эга бўлди. Боиси корхона цехларига Россия Федерациясидан кредит эвазига келтириб ўрнатилган замонавий дастгоҳларда 10 хилдан зиёд турли ранг ва ҳажмдаги пайпоқларни тайёрлаш имконияти мавжуд. Бундан ташқари ички бозорни ўрғаниш асосида болалар ва аёллар кечки кийим-кечаклари ҳам тикилмоқда.

— Бозорни ўрғанар эканмиз, бугунги харидорларимиз диди баландлигини жуда яхши англаймиз, — дейди туман «Ташаббус—2003» кўрик-танлови ғолиби, энг яхши тадбиркор Саидиром Абдуазимов. — Маҳсулотимизни эса уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб турларини ўзгартириб борамиз. Энг асосийси эса замонавий дастгоҳлар асосида талаблар даражасидаги маҳсулотни маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқараётганимиздир. Бунинг учун Кўкон ва Андижон шаҳарларидаги ҳамкорларимиз билан алоқани яхши йўлга қўйганмиз. Албатта, бозорбоп маҳсулотларни тайёрлашда биз учун керакли хом ашёлар — сифатли мато ва пишиқ ип-калава муҳим ўрин тутди.

Корхонада замонавий тўкув ва тикув дастгоҳларини бошқараётган ходимлар меҳнати билан ойига 20-30 минг жуфт пайпоқ ишлаб

чиқариш қуввати мавжуд. Буюртмага қараб мавсум пайтларида пайпоқлар сонини 40-45 жуфтга етказиш имконияти ҳам бор. Тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланаётган жамоа аҳли томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар «Чилонзор» буюм бозоридаги 2 та растада сотилиб, харидорларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, Сурхондарё, Фарғона ва бошқа вилоятлардаги савдо шохобчаларида ҳам сотилмоқда.

Албатта, сифатли ва керакли маҳсулотнинг бозори қаққон, харидори мўл бўлади. Тадбиркорлар ҳам ана шунга эришиш йўлида тинмай изланишмоқда. Изланишлар натижаси эса маҳсулотнинг янги турларида аксини топмоқда. Яқин келгусида улар замбуруғ касаллигига қарши пайпоқлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаб туришибди. Шунингдек, буюртмага кўра ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. Бугун ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган зарур товарлар билан таъминлаётган тадбиркорлар келгусида рақобатбардош маҳсулотларни хорижга чиқаришни ҳам ният қилишмоқда. Интилганга толе ёр, дейишади. Уларнинг ҳам изланишлари ижобий самара бериши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА.
СУРАТДА: дазмолловчи Шаҳринисо Хўжамова.
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



XXI сағоси

Барча мамбалардан олдинга сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президентини** Ислам Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертун Ангон XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари Бухорони зиёрат қилди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (Ж.Маршалл номидagi марказ) директори Жон Роуз бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда марказнинг янги дастурларида Ўзбекистоннинг иштироки, институт ва мазкур марказ ўртасидаги алоқалар, шунингдек халқаро терроризмга қарши курашда Америка—Ўзбекистон ҳамкорлиги масалалари хусусида сўз борди.

● Ўзбекистон Фанлар Академиясида таниқли археолог олим, тарих фанлари доктори, профессор Темур Ширинова Маршалл университетининг «Олтин медалини топишишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

● Адлия Вазирлиги хузуридаги Адолат наشريётида Республика Ҳуқуқий маърифат тағриботи маркази билан ҳамкорликда «Конституция» номли рисола нашр этилди.

Жаҳонда

● Америка Қўшма Штатларининг баёнот беришича, Фаластин Муҳтористининг собиқ бош вазири Махмуд Аббос ўрнига Аҳмад Қориа тайинлиши мумкин экан. Жаҳон ҳамжамияти келгусида Аҳмад Қориадан Фаластинда тинчликни мустаҳкамлаш борасида дадил қадамлар кутмоқда.

● Пхеньянда Шимолий Корея давлати тузилганлигининг 55 йиллигига бағишланган катта ҳарбий парад ўтказилди. 90 дақиқа давом этган намоишнинг Шимолий Корея давлат раҳбари Ким Чен Ир кузатиб борди.

● Келгуси душанбадан Жанубий Корея пойтахти Сеулдан ҚХДР пойтахти Пхеньянга йўловчиларнинг тўғридан-тўғри доимий тижорат авиапарвозлари йўлга қўйилади.

● Сингапурда гайриоддий зотилжам (SARS) хасталигига чалинишда гумон билан 25 киши карантин қилинди. Бирок мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиянинг қайтадан бошланганлиги тўғрисидаги миш-мишларни рад этмоқда.

● АҚШ давлат департаменти мамлакатга кириш учун янги «электрон паспорт»лардан кенг фойдаланишни бошлаб юборди.

Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Фани Мовлонов номидagi Сейсмология институтига хитойлик сейсмологлар томонидан қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бешта замонавий сейсмик станция топширилди.

СЕЙСМОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

2001 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Хитой сейсмология бюроси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланганди. Мазкур битимга кўра хитойлик мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва тизимни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида мамлакатимиз сейсмологлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳар қандай табиий офатлар айниқ-

са, зилзила инсоният бошига қандай ташвишлар келтириши ҳамда унинг оқибатлари қанчалик анъали эканлиги барчага маълум. Ер қаърида бўлаётган турли жараёнлар ва ўзгаришлар айнан сейсмолог мутахассислар диққат — эътиборида бўлади. Зеро, уларнинг хабари негизда миллионлаб инсонларнинг тақдирини ётади. Тошкент марказий сейсмик станция-

Транспорт

Темир йўл электрлаштирилмоқда

Темир йўлларни электрлаштириш соҳасида кўрилатган техник тадбирлар яхши самара бермоқда. Бунда «Ўзтемирйўллойиха» институти муҳандис ва меъморлари томонидан яратилаётган лойиҳалар кўл келмоқда.

Янги тайёрланган лойиҳада эса Тошкент-Ангрен темир йўлини электрлаштириш жараёни ўз аксини топди. Шимолий темир йўл вокзалдан то Ангрен шаҳригача бўлган темир йўл тўла электрлаштириладиган бўлди.

Ана шу бунёдкорлик ишлари йил охиригача давом этади. Келгуси йил бошидан ҳаракат таркиби қатнови кенг йўлга қўйилади.

Шаҳар муҳандислик иншоотлари

Республикамиз пойтахтида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик жараёнларида ероти тупроқ ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Шу тарихда шаҳар муҳандислик иншоотлари ҳам қад кўтармоқда.

Қуриш ташкилотларига бу борада қулайлик яратиш мақсадида Тошкент архитектура-қуриш институти олимлари қатор янги ишланмаларни тавсия этдилар. Бу муҳандислик лойиҳалари шаҳарсозлик ривожига жуда кўл келди.

Бу борада орттирилган техникавий-лойиҳавий тажрибалар асосида «Шаҳар муҳандислик иншоотлари» деб номланган ўқув қўлланма юзга келди. У «Йилнинг энг яхши ўқув адабиётларидан бири» деб топилди.

Корхонада ўқув негизи

«Тошшаҳарйўловчтранс» Давлат уюшмасига қарашли «18-автобус саройи» Тошкент Автомобиль йўллари институти билан яқин алоқа боғлаган. Бу эса бўлажак ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқариш амалиётини бевосита шу корхонада олиб бориш имконини бераётир.

Олий ўқув юрти «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси» кафедрасининг автобус саройи негизига шохобчасининг очилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу ерда талабалар ўз диплом ишларини ҳимоя қиладилар.

Корхона буюртмаси билан бир гуруҳ талабалар «Ишлаб чиқариш негизини такомиллаштириш» деган мавзуда малакавий битирув ишини ҳам адо этди.

Акбар АЛИЕВ

ЭНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАЪЛИМГА

Тошкент Давлат техника университети республикамизнинг олий ўқув юртлари ичида биринчи тўлиқ шакллантирилган мультимедия синфига эга бўлди.

Бу ерда ўрнатилган компьютерлар мультимедия технологиялари асосида яратилган энг сўнгги таълим дастурлари билан жиҳозланган бўлиб, улар чексиз имкониятларга эга. Техникавий ва дастурий таъминотни умумлаштирувчи мазкур технологиялар видео, аудио ва матн ресурсларини, шунингдек анимация ва графикани бирлаштириш имконини беради. Шу тариқа оддий компьютер таълимнинг энг самарали воситасидан бирига айланади. Эндиликда талаба ўтилган мавзунини тўлиқ ўзлаштирибгина қолмай, балки у ёки бу жараёнларнинг реал вақтда қай тарзда кечишини ҳам кузатади.

Мультимедия дастурлари ТДТУ олимлари ва ўқитувчилари томонидан Германия, Голландия ва Дания университетлари, яъни Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг таълим соҳасидаги халқаро лойиҳалар бўйича доимий ҳамкорлари билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, янги синфда ўта замонавий видеопроектор ўрнатилган бўлиб, унинг ёрдамида кўп

сонли аудитория учун видеоанжуманлар ўтказиш мумкин бўлади. Мазкур ускуна ТДТУ учун Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ажратди. Ҳадемай бундай проекторлар мамлакатнинг барча йирик олий ўқув юртларига берилади.

Мультимедия синфининг очилишида олий ва ўрта таълим вазирлиги, Гамбург-Харбург Германия университети вакиллари, ТДТУ ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди. Бундай синфининг очилиши — Ўзбекистон иқтисодиёти учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги яна бир қадамдир, деб таъкидланди. Чунки Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичидаги асосий вазифа таълим сифатини яхшилаш ва мазмундорлигини оширишдан иборат. Шу боис республикада илғор таълим технологиялари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини яратиш ва жорий этиш кенгайиб бормоқда. Жаҳонда билимларни ўзлаштириш соҳасидаги энг илғор йўналишлардан бири деб тан олинган масофали ўқитиш ривож топмоқда.

Бу борада ТДТУ фаолияти намуна бўляпти. Мазкур даргоҳда Навоий давлат тоғкон институти, Самарқанд давлат университети билан мунтазам қўшма машғулот-

лар ўтказиш ва видеоахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Амалдаги мазкур тизимга тез орада Гулистон ва Қарши давлат университетлари ва бошқа вилоят олий ўқув юртлари ҳам қўшилади. Бундан ташқари, Германия, Голландия ва Даниянинг таниқли профессорлари видеоанжуманлар орқали ҳафтада уч марта ТДТУ талабаларига маъруза ўқийди.

Мазкур мамлакатлар олий ўқув юртларида ТДТУ мутахассислари томонидан яратилган ҳамда таълим билан боғлиқ дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланилмоқда. Ўқув юрти қошида таянч соҳа - энергетика бўйича минтақавий ахборот тармоғи шакллантирилиб, у ахборот худудида Марказий Осиё давлатларини тарғиб қилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа тармоқлари учун ҳам дастурий таъминотни яратиш бўйича ишлар фаол олиб борилаётган. Олий ўқув юрти ўқитувчилари ва талабаларининг энг яхши лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувofiқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланиб, амалиётга кенг жорий қилиниши тавсия этилди.

(ЎЗА)

ИҚТИСОДИЁТ

Кўп тармоқли корхона

Бозор иқтисодиёти айни пайтда фаолият юритаётган корхона ва фирмалардан маҳсулотнинг харидоргир турларини ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Шаҳримиздаги «Фатх-ЛТД» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналар сирасига қиради.

Ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, маҳаллий хом ашёдан замон талабига мос халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилган корхона аҳли айни пайтда тикув цехи, автомобилларни таъмирлаш, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби бир неча йўналишда фаолият олиб бориб аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда.

— Корхонадаги тикув цехида буюртмага кўра, кийимлар тайёрланади. Бунда хом ашёнинг асосий қисми юртимиздаги Андижон ва Бухоро тўқимачилик комбинатидан келтирилади, — дейди корхона раҳбари Нодир Қодиров. — Шунингдек, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда унинг сифатига алоҳида эътибор берилади.

Жорий йилдан бошлаб гўшт маҳсулотларининг турларини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилган корхона Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги фермер хўжаликлари билан шартнома асосида иш олиб боришни режалаштирган.

Орузгул РУСТАМОВА

Бозор ва харидор

БОЛАЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ

Чиройли ўйинчоқни кўрганда, қайси болажоннинг чехраси очилиб кетмайди дейсиз. Ҳа, кичкинтойлар ҳамини ўйинчоғу кўришга ўч бўлишади, уни кўрганда, ўйнаганда юзларида олам шодлиги мужассамлашади. Бу қувноқлик, шодлик ота-она учун катта бахт. Негаки бола кулса, нафақат ота-она, балки олам кулади, дунё ўзгача жилваланади.

Ана шундай жажжитойларнинг қувночига ҳамини шерик бўлишни дилида ният қилган Ҳаёт ва Илина Умаровлар тадбиркорлик билан иш юритиб пойтахтимизда юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи фирма фаолиятига асос солдилар. Юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор ва уларга яратилаётган шарт-шароитлардан фойдаланган юқоридаги тадбиркорлар «НВ DEVEL OPMENT» хусусий фирмасида юмшоқ, чиройли, турли-туман ва муҳими рақобатбардош, хорижикидан асло қолишмайдиган ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Аввалига 5-6 та ўйинчоқ турларини тайёрлаб, ўзларини синиб кўрган тадбиркорлар, бугунги кунда харидор талаби асосида 70 хилдан зиёд маҳсулотларини ички бозорда сотмоқда. Фаолиятига эндигина 8 ойдан ошган корхона муваффақиятини таъминлашда тадбиркорларнинг изланишлари, Белоруссиядан келтирилган дастгоҳлар унуми, чет эл ўйинчоқлари сифатини ўрганган, янги хилларини яратишга интилаётган усталарнинг, чеварларнинг меҳнати ўз самарасини бермоқда. Хом ашёдан тортиб тайёр маҳсулотгача давлат сертификати талабларига жавоб беради.

— Мақсадимиз юртимиз болажонларига улар севиб ўйнайдиган, сифати хорижники билан бемалол тенглаша олади-

ган юмшоқ ўйинчоқларни тортиқ этиш эди, — дейди фирма раҳбари Ҳаёт Умаров. — Бугунги кунда маҳсулотларимиз ота-оналарга, барча харидорларга маъқул бўлаётгани бизни янада илҳомлантириб юборди. Негаки юмшоқ ўйинчоқлар хар томонлама қулай, кичкинтой уни ўйнаганда завқ олади, баъзида гижимлайди, бағрига босади, отади. Маҳсулотларимиз бу талабларнинг барчасига жавоб беради. Момикдай юмшоқ турли эртақ қаҳрамонлари, ҳайвон ва жониворлар тимсолида ясалаётган ўйинчоқларимизнинг аввало ички бозорда харидоргирлигини таъминлаб, келгусида эса четга экспорт қилиш ниятимиз ҳам бор. Бунинг учун эса ҳали ўз устимизда тинмай ишлашимиз, хориж бозорини ўрганганимиз лозим. Энг муҳими эса сифатга эътиборни қўйиб, жаҳон андозалари талаблари даражасидаги маҳсулот тайёрлаш зарур.

Хусусий тадбиркорлар айни пайтда мамлакатимизда тадбиркорликка берилаётган катта эътибордан оқилона фойдаланишга интиломоқда. Албатта, келгусида улар кўзлаган мақсадларига эришиш йўлида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ниятида. Бу яхши ниятларга эришиш учун эса тинимсиз меҳнат, бозор иқтисодиёти талабларини англаган ҳолда ишлаш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш лозимлигини улар жуда яхши билишади.

Дилноза ФИЁСОВА

СУРАТДА: тадбиркорларнинг сазй-ҳаракати билан ишлаб чиқарилаётган юмшоқ ўйинчоқлар. Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



Машъал

ТАБИЙ ИПАКДАН СИФАТЛИ МАТОЛАР

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари табиий ипакнинг чиқиндисиз технологиясини яратиш устида самарали иш олиб бордилар. Ана шу техникавий янгиллик натижаси ўлароқ пахта-ипак газламалари ва трикотажнинг янги турлари юзага келди. Бу матолардан тикилаётган аёллар, эркеклар ва болалар кийимлари харидоригр бўлиб бормоқда.

Олий ўқув юрти олимларнинг бу тадқиқоти Бельгиядаги Гент университети ҳамда Грециядаги Пирей технология институтиди сертификатлар марказлари томонидан ижобий баҳоланди. Табиий ипак толасидан жарроҳликда ишлатиладиган табиий иплар ҳам тайёрланмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда табиий ипакдан трикотаж буюмларини тикиб чиқариш йўлга қўйилди.

ИСПАНЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУФАТ

Ўзбекистон билан Испания ўртасида иқтисодий, маданий алоқалар кенг ривожланиб бормоқда. Буни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида амалга оширилаётган таълимий жараёнлар ҳам кўрсатиб турибди.

Олий ўқув юртида Испан тили ва маданияти маркази ҳам ташкил топди. Ушбу марказда амалга оширилаётган ўқув-илмий тадбирлар ҳам яхши самаралар бермоқда. Бу ерга ўрнатилган телевизорлар, аудио-видеомагнитофонлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Испаниядаги Гранада университети олимлари билан илмий алоқалар асосида янги тадқиқотларга қўл урилди. Испанча-ўзбекча луфат ҳам шу ҳамкорлик маҳсулоти бўлди. Кўплаб сўзлар изоҳланган ушбу луфат Испанияда босмага тайёрланди.

КАФЕДРА ШОХОБЧАЛАРИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари янги ўқув йилида яна бир ҳайрли ишни амалга оширдилар. Олий ўқув юрти ўз таркибидидаги Тошкент меллиорация ва сув хўжалиги коллежига оталик ёрдамни кучайтириш мақсадида қатор маърифий тадбирларни амалга оширди.

«Физика ва кимё», «Машиналар ишончилиги ва таъмири», «Трактор ва автомобиллар» кафедраларининг коллежда шохобчалари очилди. Уларда амалга ошириладиган илмий изланишларга шу кафедра мудири раҳбарлик қиладилар. Институт автомобиллар гаражиди эса коллеж ўқувчиларининг амалий машғулотлари учун ўқув устaxonаси ташкил топди.

Аҳмад АББОСОВ

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ФАОЛ ТАШКИЛОТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Юртимиз келажиги бўлган фарзандларимизнинг беғубор ва самимий қувончи, ёқимли табассуми, гўзал, ўзбекона одоб-ахлоқи мактаб таътилининг қишки ва баҳорги, айниқса ёзги кунларида барча оромгоҳларда жаранглаб турди. Улар учун ташкил этилган мавзуйий кечалар, кўриктанловлар, спорт ўйинлари, экскурсия ва саёхатлар, буларнинг барчаси фарзандларимизнинг маънавий савиясини юксалтиришга, соғлиқларини мустаҳкамлашга, дўстлар орттиришга ва бир сўз билан айтганда Мустақиллигимиз шарофати билан яратилган барча имкониятлардан баҳраманд бўлишга хизмат қилди.

Мактаб таътилининг қишки, баҳорги ва ёзги кунларида 59 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 42 минг нафар ўқувчи, шу жумладан бепул йўлланмалар билан Оролбўйи минтақасидан 2500 нафар бола, меҳрибонлик уйларида 500 нафар тарбияланувчилари, Мустақиллик байрамининг 960 нафар иштирокчилари дам олдилар, имтиёзли йўлланмалар билан касабга уюшмалари болалар ўсмирлар спорт мактабларининг 500 нафар ўқувчилари, Чернобил ҳалокати ва афгон воқеалари қатнашчиларининг 90 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Бундан ташқари, деярли саккиз минг нафар болалар ва ўсмирлар пойтахт ҳудудда жойлашган корхоналарнинг идоравий оромгоҳларида ҳамда ўз ота-онала-

ри билан биргаликда санаторий, дам олиш уйлари ва базаларида ҳордик чиқардилар. Демак, жами бўлиб 50 минг нафар бола, ёки 1—7 синф ўқувчилари сонига нисбатан олганда, уларнинг ҳар бештасидан биттаси мазкур тадбирлардан баҳраманд бўлдилар.


Бу ишларни ташкил этиш юзасидан шаҳар ҳокими ва шаҳар касабга уюшмалари Кенгаши қарорида белгилаб берилган вазифаларни адо этишда шаҳар Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Меҳрисавдо» ва «Доридармон» корхоналари, болаларни оромгоҳларга беҳавотир ташишдек ўта масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, уни талаб даражасида адо этган «Тошшаҳарйўловчигранс» Давлат уюшмаси,

шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, ниҳоят, оромгоҳ ҳаётини кенг тарғиб қилишда «Оқшом» газеталари, «Тошкент» телеканали ва Ўзбекистон радиосининг Тошкент студияси ва «Машъал» каналининг хизматлари катта бўлди.

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши раёсати Мустақиллик байрамининг 12 йиллиги муносабати билан шаҳар меҳнатқашлари фарзандларини соғломлаштиришда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган бир гуруҳ фаолларни тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар касабга уюшмалари Кенгашида мактаб ўқувчиларининг таътиллари даврида ташкил этилган болалар оромгоҳларида пойтахт ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси меҳнатқашлари фарзандларини соғломлаштиришда фаол иштирок этган бир гуруҳ ташкилотчилар ташакурнома ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: тақдирлаш маросимидан лавҳалар.



КЎРГАЗМАЛАР КИТОБ — ТАФАККУР ҚАНОТИ

Куни кеча Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонасида Ўзбекистон олимларининг хорижий нашриётларда чоп этилган китоб ва мақолалари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Ўзбекистон Фанлар академияси олимларининг 1000 дан ортик илмий ишлари намойиш этилди. Шу жумладан, ундан 50 та монография, 800 та илмий анжуманлар тўплами ва материаллари, 150 дан ошқ илмий журналлар ўрин олган.

— Фанлар академияси олим ва ходимларини илмий ахборотлар билан таъминлаб

бориш ва уларга хизмат кўрсатиш кутубхонамиз ходимларининг асосий вазифасидир. Кўргазмадаги китоб ва мақолалар олимларнинг илмий ва ижодий ишлари маҳсулидир. Кўргазма йил охирига қадар намойиш этилади ва фаолияти мобайнида янги нашрлар билан тўлдирилиб борилади. Сўнг нашрларнинг библиографик кўрсаткичини тузиб чиқиш мўлжалланмоқда, — дейди кутубхона директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Дилором Қудратова.

Соҳиба УМАРОВА

Германия пойтахтининг Берлин-Митте райони соғлиқни сақлаш идораси ва мамлакатнинг бошқа ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий госпиталига умумий миқдори 590 минг еврога тенг инсонпарварлик ёрдами юборишди.

ГЕРМАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА

Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами бериш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяётганлар сирасига бугун Германиянинг кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусий компаниялар ҳамда Германияда фаолият олиб бораётган хорижий ташкилотлар ваколатхоналарини киритиш мумкин.

Бу галги умумий оғирлиги 24 тонналик инсонпарварлик ёрдами асосан жаррохлик ва ички касалликларни даволашга мўлжалланган тиббиёт ускуналари, муолажа столлари, гидравлик кроватлардан иборат.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги,
Берлин.

ТИББИЁТ

«ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ» ҚЎЛЛАНМАСИ

Мамлакатимиздаги касб-хунар коллежлари учун яратилаётган ўқув адабиётлари ҳам ўз мундарижаси ва мазмуни билан ажралиб турибди. Тиббиёт коллежлари ҳам янги ўқув йили олтидан бир неча дарсликларга эга бўлдилар.

«Фармацевтик кимё» деб номланган ўқув қўлланмаси кўп нусхада босиб чиқарилди. «Фармация» йўналишидаги ўқув дастури бўйича ёзилган бу адабиётда дори моддаларига доир кўплаб янги маълумотлар кенг ёритилган. Шунингдек, препаратларнинг олинishi, миқдори таркиби каби кимёвий жараёнлар таҳлилига оид материаллар ҳам бор.

Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт наشريёти чоп этган мазкур қўлланма орқали фармацевтик кимё тарихи билан ҳам атрофлича танишиш мумкин.

Анвар ВАЛИЕВ

МАТБАА

КЎРГАЗМАСИ

Ўзэкспомарказнинг 1-павилонидида «O'zbek in print» ва «O'zpress» — 2003 халқаро кўргазмаси очилди. Унда матбаа, нашр, реклама ҳамда қаддоқлаш ва ёрликларнинг намуналари ўрин олди.

Республикаимизда бешинчи маротаба ўтказилаётган кўргазмада 30 та ўзбекистонлик ва 20 та хорижий компания матбаа ва нашр соҳасидидаги энг илгор технология ва маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

— Корхонамиз 1982 йили ишга туширилган, — деди Тошкент китоб-журнал фабрикаси бош муҳандиси Қамариддин Одилов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Фабрикада 100 га яқин турдаги матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда бюромтачининг талаби инobatга олиниб, сифатли ҳамда ўз вақтида етказиб берилади. Маҳсулотларнинг нарх-наволари давлат томонидан назоратта олинган. Хусусий корхоналарда эркин ва келишилган нархлар қўйилади. Кўргазмада мактаб, лицей ва коллежлар учун дарсликлар қўйилган. Таъкидлаш жоизки, корхонамиз қардош, яъни қозоқ, тожиқ, туркман, қирғиз тилларида ўқув дарсликлари, араб, форс, урду, ҳинд тилларида ўқув қўлланмалари чоп этади.

— Мазкур кўргазмада илк маротаба иштирок этишим, — деди «Sanas -Tus» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси менежери Мажид Егани. — Корхонамиз ўзида 10 та фабрикани бириштириб, матбаа ва нашр маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

«Туркистон-пресс»

Хар бир давлат тарихида унинг келажагини, тақдирини белгилайдиган қандайдир бурилиш даври бўлади. Агар уни олтин давр деб аташса, шу вақт яшаган авлодин «олтин авлод» дейишган. Чунки айнан шу замон кишилари эртанги кун учун катта масъулиятни ўз бўйинларига олиб, фидойилик қилдилар, келажакка пойдевор қўйдилар. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин икитисоди бутунлай издан чиққан Япония, Германия ва бошқа давлатлар юксак тараққиётга фақат ўз халқининг кучи билан эришган. Урушдан сўнг ҳар бир ота-она фарзандига, худо сенинг оёқларинг остига бойлик тўшаб қўймаган, сен уни ақлингни ишлатиб топишинг керак, деб уқтирган. Япония давлати ҳам ақлий салоҳиятини ошириш учун ёшларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланиши ва яхши таълим олишига катта аҳамият берган. Натижада бундай оқилона сайё-ҳаракатлар нафақат мамлакатни оғир инкироздан олиб чиқди, балки дунёнинг энг тараққий этган давлатларидан бирига айлан-тирди.

Ўзбекистон ҳам ривожланишнинг шундай муҳим палласида турган экан, бугунги ёшларимиз юрт тақдирини жуда катта роль ўйнайди. Президентимиз Ислам Каримов айтиб ўтганларидек, бизнинг ёшларимиз дунёнинг ҳеч қайси давлат ёшларидан кам бўлмаслиги керак. Шунинг учун давлатимиз энг замонавий шароитларни яратган, энг охириги технологиялардан фойдаланган ҳолда ёшларнинг таълим олишлари, ижод қилишларига катта аҳамият бермоқда. Энг иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олиши, тажриба алмашishi ва малака оширишлари учун ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Шунинг айтиб ўтиш лозимики, таълим соҳасига қаратилган катта эътиборнинг меваси шу йилларда намойён бўлмоқда. Замонавий билимга эга, мустақил фикрлайдиган янги авлод вужудга келди.

Мен ёшлар билан ишлаш давомида баъзан уларга тўсиқ, йўлларига тўғалок бўлаётган муаммоларга ҳам дуч келдим. Шунинг билдимки, ёшларимиз икитисодий ёл моддий қийинчиликларга анча чидамли, бундай оғир вазиятдан чиқиб кетишда уйдабуронлик ва ақл билан иш қўриядилар. Энг муҳими, бугунги кунда келажимиз умидини сақлаб қолиш, уларга

ҳар қандай шароитда ҳақиқий таянч ва сўянч бўла оладиган ижтимоий қудратли куч зарур-ки, ана шу куч ёшларни эртанги келажак, юксак тараққиёт учун бирлаштири олиши керак. Шу ўринда мамлакатимизда ёшларни бирлаштирувчи ва қўллаб-қувватловчи ташкилот сифатида шаклланаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг асосий бўғиналаридан бири бўлиши Тошкент шаҳар бўлими тўғрисида фикр юритмоқчиман.

Маълумки, Тошкент шаҳри мамлакатимиз маркази сифатида ҳар доим ёшлар ва талабалар билан гавжум бўлган. Ҳозир-да кунда 320 та мактаб, 32 лицей, 90 та коллежларда 400 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар ўқишгаётган бўлса, 7 та университет ва 23 та институтларда 70 мингдан ортиқ талабалар тахсил олишмоқда. Яна қанчадан-қанча ёшлар турли вилоятлардан мەҳнат қилиш, ижодий изланиш ва бошқа умид билан келдилар. Шунинг учун ҳам пойтахтда ёшларнинг энг қаймоғи йиғилганлигини таъкидлаш билан бирга уларни бирлаштириш, ижтимоий фаолликка жалб этишда алоҳида ёндошув ҳам талаб қилинишини айтиб ўтмоқчиман. Бу кучли, эркин фикрлайдиган ёшларни қўллаб-қувватлайдиган қудратли ташкилотга айланиш учун «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Биз ўз олдимишга ҳар бир ёш юракка кириб боришини мақсад қилиб қўйиб, қаерда ўқиши ё ишлашидан катта назар барча ёшларни ўз сафимизга бирлаштирдик, ҳатто ҳўлки оғир, турли оқимларга кириб кетган ёки ногирон, кўнгли ўқисқ болаларни четлаб ўтмадик ва бошқаларга ҳам уларни ажратиб қўйишга йўл қўймадик. Бу бизнинг биринчи йутугимиз бўлса, иккинчи йутугимиз шундаки, ёшлар атрофидики, жамиятдаги мавжуд муаммоларга локайдлик, бепасандликни йўқитиб, уларга нисбатан мустақил фикр ва шахсий муносабатини шакллантириш билан ўзларининг интилиши, ҳаракат қилиш, ўз кучига ишониларига эришидик. Учинчидан эса, юртимизда фаолият юритаётган барча му-

ассаса ва хорхоналарни ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлида ҳамкорликка жалб қилдик.

Охириги икки йил ичида «Камолот»га нисбатан пойтахтлик ёшларнинг фикри ўзгариб, унинг ёшлар ташкилоти сифатида обрўси сезиларли даражада ошди. Бунда Тошкент шаҳрида кенг миқёсда ўтказилган тадбирларнинг қизиқарли ва ёшларбоплиги, ҳаракатда ишлаётган кадрларни танлаш тўғрисида йўлга қўйилгани, ёшлар билан ишлаш халқро тажрибага асосланиб ташкил этилгани, турли идора-ташкилотлар билан кенг ҳамкорлик ўрнатилганини асосий сабаб қўйиш мумкин.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ОЛТИН ДАВРНИНГ ОЛОВҚАЛБЛАРИ

Янги йил карнавали, «Умид юлдузлари», «Зукко-авлод», «Истиклол умидлари» каби фестиваллар, турли кўрик-танлов ва мусобақалар, илмий-амалий семинар, конференциялар, спорт беллашувлари, хайрия ва хашар, кенг жамоатчилик ишлари орқали қизиқиши, дунёқароши ва ижтимоий келиб чиқиши ҳар хил бўлган ёшларни бирлаштириш имкониятига эришилди.

«Камолот» ЕИХнинг Тошкент шаҳар бўлимининг фаол тизими 7 ойдан 14 ёшгача бўлган ўсмирларни жамиятга «Камалак» болалар ташкилоти ҳисобланади. У ёш болаларда

жамоатчилик ишларига қўнжма ҳосил қилиш, кенг ижтимоий фикрлай олиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик ва етакчилик хислатларини шакллантириш учун жуда муҳим ташкилот сифатида гавдаланади.

«Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими умумий ёндашувида кўра, ҳар бир ёшга алоҳида ва индивидуал эътибор беришга ва ёрдан қўлини қўзишга ҳаракат қилмоқда. Ёшларимизни қийнайдиган асосий муаммолардан бири, ўзи орзу қилган ва муносиб бўлган иш жойини топишдир. Ҳар бир туман мەҳнат биржалари билан ҳамкорликда ишсиз ёшларга ўзлари хоҳлаган ишни танлашлари учун турли ярмарка ва маслаҳатхоналарни ташкил этиш, уларни ортиқча оворагарчиликсиз ишга жойлаштириш, агар ўқувчи ё малакаси ет-маса, уларни махсус ўқишларда ўқитамиз.

2002 йилда ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими ва «Ёшлар» телеканали муассислигида «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг 200 дан ортиқ доимий аъзоси ва 500 дан зиёд қатнашчилари мавжуд. Телеклуб ҳошида «Халқро тахлил», «Иқтисодийёт», «Журналистика», «Сияosat» каби гуруҳлар очилган бўлиб, аъзоларнинг фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади. Шунингдек, мунтазам равишда ёшлар иштирокида «Бунёдкор» ва «Фикр» баҳс-таҳлилий кўрсатувлари тайёрланади.

Биз ёшлар билан нафақат таълим масканлари орқали, балки турли муассаса-идоралар, айниқса маҳаллар ёрдамида ҳам ишлашга катта аҳамият бермоқдамиз. Чунки ўқиб ё иш билан банд бўлмаган ёки ўйда, маҳаллада ҳамда бозорда тир-жичилик қилаётган ёшларимиз ҳам бор. Уларга йўл топиш учун Тошкент шаҳридаги 444 та маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилган. Шаҳар ҳокимлигининг тақлифига биноан бу комиссия раисларига маҳалла оқсоқоли ўринбосари мақоми берилди.

Президентимизнинг сайё-ҳаракатлари билан ёшларни

спортга жалб этиш учун жуда катта ишлар амалга оширилди, энг замонавий ва қўлай спорт иншоотлари бунёд этилди. Биз ёшларнинг спорт билан шугулланишида оддий муаммолар тўсиқлик қилаётганини ўрганиб чиқдик. Болалар спорт ўйинларига қанчалик қизиқмасин, лекин ташкилий муаммолар тўғрисида мунтазам равишда машқ қила олмайдилар. Биз шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда «Кўнма оммавий спорт гуруҳи»ни тузиб, барча спорт жихозлари билан таъминланган махсус машина ташкил этдик. Бу «Спорт машинаси» қатий ҳадвал асосида маҳаллаларга чиқиб болалар ва ўсмирлар орасида спорт ўйинлари ва мусобақалар уюштирилмоқда.

Пойтахтлик ёшларимизни она шаҳрига меҳрини қучайтириш ва ўз келажагини унинг тақдирини билан боғлиқлигини ҳис қилишлари учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан «Севимли шаҳрим» акциясини эълон қилдик. Бу акция «Озода шаҳар», «Тошкент — туллар шаҳри», «Пойтахт бизнинг нигоҳимизда» фототанлови, «Менинг Тошкентим» қўшиқлар танлови йўналишларини ўз ичига олиб, икки ой давомида шаҳар миқёсида бўлиб ўтади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қисқа вақт ичида ҳар бир ўқув даргоҳи, ҳар бир идора ва ёш қалбига кириб борувчи мукамал тизимни яратди олди. Бу бизнинг асосий йутукларимиздан ҳисобланади. Лекин мenden: «Камолот»нинг энг катта йутугини нимаданди кўрасиз?» деб сўрашганда, ҳаёлимда бир воқеа жонланади.

Кўнларнинг бириди идорамизга Азиза исмли сурхондарёлик киз кириб келди. У киз болалигида етим қолган экан ва ўн олти ёшида ўз кучи билан Тошкентга келиб ўқишга кирибди. Иқтисодий томондан қийналиб қолмаслик учун ишга ҳам жойлашди. Лекин ишда кечгача бўлган одам ўқишга боролмаслиги аниқ-ку?

Биз Азизага бошқа ишга жойлашишга ёрдан бериб, муаммоларини ҳал бўлишида ўз хиссамизни қўшдик. Бу воқеанинг мenden чуқур тасаввур қолдиришининг сабаби эса у кизнинг бизга ишониб наҳот сўраб келганидир. Азиза каби минглаб ёшларнинг умиди, ишончини қозона олсак, бизнинг энг катта йутугимиз шунда деб биламан.

Фурқат МАХМУДУЖАЕВ, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси.

• ТАШАББУС

«Камолот» кубоги мусобақалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг фаолиятини қучайтириш, маҳаллаларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, воқеа ет-маганлар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамоат тузилмаларига 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган, ушбу маҳаллаларда истиқомат қиладиган ёшларни жалб қилиш мақсадида «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими Кенгаши туман Ички ишлар бошқармаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида футбол бўйича «Камолот» Кубоги мусобақаларини ташкил этди.

Икки ой давом этган мусобақаларда тумандаги 33 та маҳалладан 24 та жамоа қатнашди. Мусобақалар гуруҳларга бўлинган ҳолда уюштирилди. Гуруҳи голиблари чорак финал ўйинларида, ушбу ўйин голиблари эса ярим финал ўйинларида иштирок этишди. Ўйинлар давомида ўзининг фаолиги билан ақралиб турган «Кипчоқ», «Темирйўлчи», «Дўстлик», «Кўш Кўрган» маҳаллалари спортчилари ярим финалда куч синатишди. Ниҳоят кўпчилик орақиб кўптан дамлар ҳам етиб келди. Яшил майдонда янграган куй-қўшиқлар, карнай-сурнай садолари йиғилганларга ҳақиқий байрам кайфиятини бахш этди. «Камолот» ҳодимлари тадбир иштирокчиларини байрам билан табриқлаб бундай ўйинлар энди тез-тез ўтказилиб турилишини таъкидлашди. Турнирда қатнашган барча жамоаларга ташаккур изҳор этишиб финал ўйини катнашчиларига омад тилашди. Финал баҳси қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. Ҳалаба «Темирйўлчи» командасига насиб этди. Ҳисобнинг 2:1 бўлиши ҳам ўйиннинг шиддатли ўтганидан далолатдир.

Турнир ташкилотчилари — «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими Кенгаши ўзларининг қимматбахо совғаларини голиб командаларга топширдилар. Туман «Посбон» маркази раҳбари Д.Йўлдошев ўйин натижаларидан хурсанд эканлигини, маҳалла ёшларининг ўз гушалари учун жон қуйдиришлари маҳаллаларда нафақат спорт, балки миллий қадриятларимиз ҳам ривож топаётганидан далолат эканлигини фахр билан таъкидлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: «Ватан ёшлар нигоҳида» мавзусидаги футбол расми чизиб кўрик-танлови голиблари. (Ўз муҳбиримиз).

• СУВ — ОБИ ҲАЁТ

ТОМЧИСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

Ер юзининг учдан икки қисми — сувликдан иборат. Ана шу сув миқдори 1,4 миллиард куб километр. Бу эса дунё аҳолисининг ҳар бирига 350 миллион куб метр тўғри келади, демакдир. Лекин шундай бўлса ҳам сув етишмайди. Сув нега танқис? Гап шундаки, инсон ҳаёти учун керакли истеъмолга яроқли чўчук сув жами сув миқдорининг бор-йўғи 2,5 фоизини ташкил қилади холос. Шу чўчук сувнинг ҳам 70 фоиздан кўпроги қор ва муз қатламларида, қолган 30 фоизга яқини қўл ва дарё, ер ости захираларида жойлашган. Бу маълумотлардан келиб чиқадики, чўчук сув — жаҳондаги энг танқис неъмат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозир 1 миллиард аҳоли нормал ичимлик сувини ичиш имкониятидан маҳрум. Йилига 10 миллион киши зарарли сувдан фойдаланиш оқибатида ҳалок бўлаётган экан. 2050 йилга бориб, ер юзи аҳолисининг 30 фоизини ичимлик суви етишмаслигидан азоб чекади. 31 давлат жиддий сув инқироzi олдида турибди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2025 йилга бориб, аҳолининг ўсиши натижасида сув инқироzi яна 17 мамлакатда юз беради. Ривожланган мамлакатларда юзага келган касалликларнинг 80 фоизга яқини ай-

нан ичимлик суви билан боғлиқ. Шуларни ўйласанг, ўринли-ўринсиз оқиб ётган, аслида олтиндан ҳам қиммат сувнинг исроф бўлишига сира йўл қўйиб бўлмаслигини тушунасан. Бугунги сув муаммоси ва унинг ечими, сувни имкон қадар тежаш учун нималар қилиш керак? Ушбу саволлар билан пойтахтимишдаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг «Журналистика» гуруҳи аъзоларига мурожаат қилдик.

Умаржон ТўЛАГАНОВ: — Инсон учун энг қадрли нарса бу — ҳаёт. Чунки бизнинг барча қувончларимиз, бутун бахтимиз, жамики умидларимиз фақат ҳаёт билан боғлиқдир. Сув эса ҳаёт манбаи. Киши вазнининг 65 фоизини сув ташкил қилади. Шунинг учун бўлса керакки, одам ташналикка ўта чидамсиз. Танадаги сув миқдори 10-20 фоизга камайса ҳам инсон учун ҳалокатли ҳолат юз беради. Бугун сув муаммоси дунё сибсатига кўтарилди. Уни асл ҳолатида сақлаб қолиш учун, ифослантирмаслик, ундан оқилона фойдаланиш керак деб ўйлайман. Назаримда сувни имкон қадар тежаш учун кишиларда об-ҳаётга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш лозим. Натижада ҳар бир қўл биттагина жўмракни ўз вақтида бураб қўйса ҳам анчагина сув тежалган бўлади.

Дурдона ЭРМАТОВА: — Бугунги сув муаммоси

ва унинг ечими бутун дунёдаги глобал масалалардан биридир. Табиат томонидан берилган неъматни асраш, унинг муаммосини ҳал қилиш бутун дунё олимларини излашга ундамоқда. Олимлар ечим излашдагани билан биз ёшу қари ўз хиссамизни қўшмасак, ҳеч қандай муаммо ҳал эт имлайди. Ота-боболаримиз сувнинг томишини зар каби қадрлаб келишган. Ҳатто унга туپуриш гуноҳи эътибори билан қўлган бўлади.

Дониёр СУЛТОНОВ: — Биз тоза ичимлик сувининг бир томчисини ҳам тўтиё билишимиз лозим. Чунки исроф қилинган ҳар бир томчи сув учун келажақ олдида жавобгармиз. Бугун ҳар бир хонадонга сув ўлчагичлар қўйилмоқда. Бу эса муаммо ечимини ижобий томонга ўзгартиради. Чунки одамлар ҳам чўнтагини, ҳам сувни имкон қадар тежаш учун ҳаракат қиладилар. Айтийлик, жўмрак оғзидан битта гугурт чўпи диаметрида сув оқаётган бўлса, 24 соат ичида 200 литр сув оқиб кетар экан. Бу эса бир йиллик сарф ҳисобга кўра, битта жўмракдан 73 минг литр сув исроф бўлди дегани. Ҳар бир инсоннинг сувга нисбатан эҳтиёжи бандлигини ҳисобга олиб уни имкон қадар тежашимиз лозим.

Фаррухбек ОЛИМ ӨЗИ олди.

КАМОЛОТ

• ТАНЛОВЛАР

«СЕВИМЛИ ШАҲРИМ»

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилаётган «Севимли шаҳрим» лойиҳасининг «Озода шаҳар» акцияси ишга тушди.

Жумладан, Чилонзор туманида бу тадбирни ташкиллаштиришга катта эътибор берилди. Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалласида 100 га яқин болалар тўпланиб, ўз маҳаллалари атрофларини чиқиндилардан тозалашда фаол қатнашиш истагини билдирдилар. Тадбирни «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими аъзолари Таҳмина Атаханова ва

Мухайё Очилвалар очик деб эълон қилдилар. Жами 3 соат давом этган акция давомида, ёшлар кўпқаватли уйлар ёнидаги ариқчалар ичлари, маҳаллада жойлашган мактаб атрофларини тозалаб, чиқиндиларни бир жойга тўпладилар. Тўпланган чиқиндилар «Махсустрас» автомашиналарида шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди. Акция сўнгида иш-

тирокчилар учун турли хил ўйинлар ўтказилди. Ушбу ўйинларда голиб бўлган ва энг кўп чиқинди йиққан иштирокчига «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан ажратилган, мактаб ўқув қуролларидан иборат совғалар улашилди.

Бахтиёр РАСУЛОВ, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ижодий ходими.

• ХУШҲАБАРНИНГ ҚАНОТИ БОР

ОРЗУЛАРИНГ УШАЛСИН, ФЕРУЗА!

Газетамиз энди саҳифаланаётган чоғда бир отахон катта қувонч билан қўлларига бир мактубни ушлаганча таҳририятимизга кириб келдилар.

— Мен Турсунхўжа Махмудхўжаев бўлман, — деб ўзларини таништирдилар отахон. — Мақсуд Шайхўда номли 167-мактабда 40 йилдан ортиқ ёш авлодга инглиз тили фанидан сабоқ бердим. Ҳозир пенсиядаман. Шунча йил ёшларга таълим-тарбия, илм берганим туфайли ўқувчиларимнинг муваффақиятларидан кўнглимда гурурланиб, фахрланиб юраман. Мустақиллик туфайли юртимизда эртаниш давомчилирига кўрсатилган гамхўрлик ва эътиборни кўрганимда эса уларга ҳавас қиламан. Оловқалб ёшларимизнинг хорижда ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатиб илм олиб, ҳўнар эгаллаб қайтаётганлари эса эртанимнинг нурафшон кўнларидан дарак беради деб ўйлайман.

Ташрифимнинг боиси эса, Ақмал Икромов туманидаги 124-мактаб ўқувчиси Феруза Йўлдошеванинг Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида «Three garden» — яъни «Уч боғ» номли мактабга аёло баҳоларга имтиҳон топшириб қабул қилингани, яқинда эса унинг ўқишда эришган катта муваффақиятлари, фанларни яхши ўзлаштириб, тест имтиҳонларини фақат аёлга топширгани муносабати билан янги ўқув йили олдиндан ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги байрами шарафига Куала-Лумпурдаги энг катта ўқув маскани дарвозаси тепасида Ўзбекистон Республикаси байроғи қилпиргани ҳақида хабар келди. Ўқувчининг, оддий ўзбек кизи Ферузанинг улкан муваффақияти мени тўлқинлантириб юборди. Бахтимизни, муста-

қил Ўзбекистонимизни тарафнам этиб Малайзия пойтахтида хилпираб турган байроғимизни тасаввур қилиб кўзларимда ёш қалқиди.

Ёшлиқдан илм олишга, тил ўрганишга илхос қилган кизалоқ ҳозирда инглиз, Малайзия тилида эркин мулоқот қила олади, янгилик ва ўзгаришларни аёло даражада ўзлаштиради. Биз Ферузанинг Малайзиядан устоз Турсунхўжа отага ёзган мактуби билан танишдик.

— Ҳурматли устозим Турсунхўжа ота! Менга берган таълимингиз, билимингиз учун катта раҳмат. Мен тест имтиҳонларини топшириб бўлганимдан кейин: «Сенинг устозинг британияликми?» деб сўрадилар. Мен гурур билан, йўқ, ўзбекистонлик, ўзбек деб жавоб бердим. Она—Ўзбекистонимиз байроғининг Малайзия давлатининг байроғи ёнида хилпираб туриши бошимни кўкларга етказмоқда. Ватанимга, халқимга муносиб фарзанд бўлишга, ўз касбининг энг яхши билимдонини бўлишга аҳд қилганман.

Хайр. Ҳурмат ва эҳтиром билан шоғирдингиз Феруза. Иқтидорли, илмли, зуқко ёшлар гурур ва ифтихоримиздир. Мустақил Ўзбекистонимиз шарафли шони, тенглар ичра тенг бўлиши йўлида илм-фан чўққиларини эгаллаётган, бу йўлда катта йутукларни қўлга киритаётган ёшларимиз сафи тобора кўпайишини тилаймиз. Опоқ, ойдон орзуларинг ҳамиша сенга йўлдош бўлсин, Феруза! (Ўз муҳбиримиз).

СУРАТДА: Феруза Йўлдошева устозлари билан.



Саховат

МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИЛДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши улўғ айём кўнларига туманда истиқомат қиладиган 250 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига ва ногирон болалар учун Тошкент ҳайвонот боғида катта тадбир ташкил этди.

Кўнларга илиқлик, меҳр-муҳаббат улашилган тадбирда «Камолот» ва «Камалак» сардорлари боғда турли хил ўйинлар ўтказдилар. Сўнг КРИДИ жамияти раҳбари Феруза Восқова улўғ ва азиз байрам билан болажонларни муборакбод этиб, уларнинг эртаниш учун керакли инсонлар бўлиб воғда етишларига тилаб билдирди. Қўшимча таълим мажмуаси тарбияланувчилари — «Сезам» гуруҳи ижрочиларининг шўх ўйин-кулгулари эса барчага хуш кайфият улашди.

Тадбир доирасида ҳар бир маҳалла ва КРИДИ жамияти иштирокчилари ўртасида «Ватан ёшлар нигоҳида» мавзусида асфальтга расм чизиб кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Кўрик-танловда «КРИДИ» жамиятида тарбияланувчи Зафар Султонов 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни «Минор» маҳалласидан Шахло Фулмова, учинчи ўринни эса «Чоштепа» маҳалласидан Шарофат Йўлдошевлар эгаллашди.

Иштирокчилар «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Барча қатнашчиларга ширинликлар ва музқаймоқлар улашилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: «Ватан ёшлар нигоҳида» мавзусидаги футбол расми чизиб кўрик-танлови голиблари. (Ўз муҳбиримиз).

• ТАДБИРЛАР

НОННИ ЭЪЗОЗЛАНГ

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласида «Камолот» ЕИХ туман бўлими қошидаги «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» марказининг ташаббуси билан «Нонни эъзозланг» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ёшларни нонга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уни қадрлаш ва эъзозлашга ундашдир. Тадбирда тумандаги «Қоратош», «Эшон Гузар», «Янги Камолон» маҳаллаларининг 7 ёшдан 14 ёшгача

бўлган 100 нафар болажонлари қатнашдилар. Болалар нон ҳақида шеър, ашула айтиб рақсга тушдилар, маҳаллалараро беллашдилар ва ўзларининг пазандлик маҳоратларини намойиш этидилар. Фаол қатнашган иштирокчилар «Камолот» ёшлар

ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан Фаҳрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди. Шунинг айтиш керакки, тадбир давомида фақат нон ва уни тайёрлашнинг захматлари ҳақида эмас, балки одоб-ҳўлоқ, катталарга бўлган ҳурмат ва маданият ҳусусида ҳам сўхбат бўлиб ўтди.

Нодира НИЗАМОВА

Мурфа олам

«ТЕЗКОР ТҮП» — МИСРДА ИХТИРО ЭТИЛГАН ҲАМ

Мисрлик ёш йигит асос солган «Тезкор түп» ўзига миллионлаб ишқибозларни жалб этди.

«Тезкор түп» ўйини энг яхши ва энг ёш спорт ўйинидир. Шунга қарамай у жуда тез оммалашиб кетди ва ўз ишқибозларини топди. Натижада у эраклар орасида ҳам, аёллар орасида ҳам, яқка ёки жуфт ҳолда ҳам ўйналадиган, турли савияларда мусобақалар ўтказиладиган бўлиб қолди. Бу ўйиннинг асл юрти Мисрда. Чунки бу ўйинни ўйнаш фикри ҳам Мисрда туғилган. Унинг тараққий топиши ва кенг тарқалиши ҳам Мисрда бошланган. Бу ўйинни 1961 йили Мисрлик бир ёш кашф этган эди. У ҳозирги кунларда шу ўйин бўйича халқаро уюшма раиси даражасига кўтарилган. Аввалгига ушбу ўйинни бир ўзи соҳил бўйларидан ўйнаб юрди. Кейинчалик баъзи ишқибозлар унга қўшилди. Ўйиннинг кўлами кенгай боргач, унинг сир асорларини аста-секин ўрганиш учун баъзи қонун қоидалар тузилди. Кейинчалик бу ўйин Мисрдан ташқарида ҳам ўйнала бошлади ва оммавий тус ола бошлади. Шу кунга келиб уни Мисрда, Франция, Венгрия, АҚШ, Япония, Словения, Дания, Нигерия, Сенегал сингари қатор мамлакатларда севиб ўйнайдилар ва ўз ишқибозларига эга.

ҚАНД КАСАЛИНИ ДАВОЛАШДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Мисрлик олим Исама Жобир қанд касалини даволашда янги бир усулни қўллашни тавсия этди.

Американинг Теннесси штатидаги Мемфис университети тиббий факультетининг инсон аъзоларини кўчириш кафедрасининг мудири, мисрлик олим, доктор Исама Жобир қанд касаллигига дучор бўлган хасталар организмда табиий инсулин моддасини ажратиш билан боғлиқ янги бир усулни муваффақиятли қўлай бошлади. Бу усул ошқозон безида инсулин ажратиб чиқаришга хизмат қилувчи «Лангерхем ороллари»ни бемор организмга кўчириб ўтказиш билан боғлиқдир. Маълумки, мана шу оролчалар фаолияти бузилса ёки тўхта-са одам қанд касалига мубтало бўлади.

Янги услуб ошқозон ости безини кўчиришга кетадиган катта сарф-харажатга чек қўяди, айни чоғда у беморларда учрайдиган дармонсизланиш, ҳолсизланиш, хушдан кетиш сингари қатор хавф-хатарли ҳоллардан йироқ. Чунки мазкур оролчалар инсон организмни учун оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас балки керакли миқдорда инсулин ажратиб чиқаради.

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

“Севимли шахрим” акцияси доирасида “Дилимдасан-пойтахтим” энг яхши эстрада кўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахтинформ” радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент”, газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:
Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;
Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;
Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;
Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (минидиск, CD) ёзилиши керак.
Таклифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ, эътиборли ҳажматлар ва радиотўхиллар томонидан аниқланади.

www.tashkentkamolot.uz
Маъзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

• ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Бу қонуниятнинг бузилиши эса ҳозирги кунда инсониятга қимматга тушаётганини, кўз олдимизда Оролнинг қуриб бориши, айрим ҳудудларда муқаддас тулғуларнинг касалланиши, ҳаётимизнинг асосий манбалари — сув ва ҳавонинг ифлосланаётганидан ҳам сезишимиз мумкин. Бундан ташқари инсон қомиллик сари интилиб, фан-техниканинг ривожланиши, янги технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши, кечаги кунимиздан бугунимиз янгиликларга тўлаллиги, бизга нотаниш технологияларнинг барча сир-асорларини ўрганиб боришимиз, булардан самарали фойдаланиш билан биргаликда содир бўлиши мумкин бўлган техноген тусдаги ҳодисаларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда ҳаракат қилиш ва унинг оқибатларини бартараф қилишни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиб бориш иккинчи қонуниятга айланган.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси шаҳар ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай ҳодисаларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ва амалий жиҳатдан ижтимоий ҳамда психологик тайёрлаш борасида қатор режали тадбирларни, қимёвий ёнғин хавфи бор корхоналарда раҳбарлар, ишчи-хизматчилар ва кўнгилли авария-қутқарув, авария-тиклаш тузилма гуруҳлари билан йил бошидан буён шу турдаги 106 объектларда махсус тактик машғулотлар ўтказди. Яқинда Тошкент шаҳридаги қимёвий, ёнғин хавфи бор объектлар: «Электроаппарат», «Оникс», «Тошкентлакбўёқ», «Тошкентмаргё», «Ўзбекишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятлари ва «Гидромаш» корхонаси, Ядро физикаси институти, «Газ тўлдирish станцияси», «Сувсоз» давлат унитар корхонасининг «Бўзсув», Қодирий, «Жанубий» сув таъминоти иншоотларида «Корхонада ёнғин ва портлаш содир бўлганда корхона раҳбарияти ва тузилмалари ҳамда шаҳар муҳофазаси хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракати, корхона атрофида истиқомат қилувчи аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш» мавзусида махсус-тактик машғулот ўтказилди. Машғулотларда корхоналарнинг раҳбарият таркиби, ишчи-хизматчилари ва кўнгилли гуруҳлари, техника-куч воситалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари фаол қатнашдилар. Бундан ташқари туманлар Ёнғин хавфсизлиги хизмати, тез

тиббий ёрдам маркази, ички ишлар, ободонлаштириш бошқармалари ўзларининг мутасадди ходимлари, техника-куч воситалари билан қатнашиб, «содир бўлган ҳалокат» оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликдаги ҳаракат топшириқларини «аҳоли» даражада бажардилар. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган ушбу машғулот аввало ҳар бир ходим учун тажриба мактаби ва айниқса янги ходимлар учун ўз вазифасига янада масъулият билан муносабатда бўлиш, ҳушёрлик, матонат ва керак бўлса ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар йили машғулотлар фақат корхонанинг ўзидан ўтказиларди, ён-атрофда яшайдиган аҳоли пунктларидан маҳалла фаоллари жалб қилинарди, ҳолос. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхоналар раҳбарларга ён-атрофдаги мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар ва аҳолини жалб қилиш ва машғулот мобайнида аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш масаласи қўйилган яхши натижалар берди. Бу машғулотларда корхоналарнинг 15000 нафар ходимлари билан биргаликда ён атрофдаги 12000 дан ортиқ аҳоли ва ўқувчилар қатнашдилар.

Ҳар бир машғулотдан кейин аҳоли билан суҳбат ўтказилганда бундай машғулотларнинг ташкил этиб турилиши ҳаётий зарурат эканлиги, ўзимизни ва ўзгаларни тасодифий хавфли ҳодисалардан асраш учун дастуруламал бўлишини ишонч билан таъкидладилар.

«Тошмаргё» очик акциядорлик жамияти корхонасида ўтказилган машғулотда ён-атрофдаги 2800 дан ортиқ аҳоли ва илк мартабада А.Назаров маҳалласи қошида ташкил этилган «Кўнгилли қутқарув гуруҳи» 20 нафар йигитларининг қатнашганлиги бунинг яққол исботидир.

Шаҳримиз аҳолисига яна бир бор таъкидламоқчи эдикки, ҳар бир инсон фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишни ўрганиши ва ўзи яшаётган ҳудудда қандай ҳодисалар ўзи бериши мумкинлигини билиши ва уларнинг олдини олиш ишларида фаол қатнашиш учун имкон ва кўникмаларни шакллантириб боришда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлсалар ҳар томонлама фойдали бўлишини эслатиб ўтмоқчи эдик.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати

РЕЖАЛИ ТАДБИРЛАР ҲАМ ҲАМКОРЛИКДА ҲАМКОРЛИКДА

Ота-боболаримизнинг «Ёз ёпинчигини кўйма, қишда ўзинг биласан» деган ҳикматли сўзининг қанчалик тўғри эканлигини ёшинг улғайгани сари тереңроқ тушуниб етар экансан. Чунки табиат сиз билан биз тушуниб етган қондалардан ташқари, қутилмаганда содир бўладиган ҳодисалари билан ҳаётга янада ҳушёрроқ қараши, ота-боболаримиз тажрибалари асосида ўрганиб бориш, қолаверса сезирли кундалик вазифамизга айлиб бориши лозимлигини билдиран экан.

Ўзбекистон Хитой матбуоти нигоҳида

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллик тантаналари хорижий ОАВларнинг юрти-мизда кечаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ислохотлар жараёнига бўлган қизиқшини ортисиға сабаб бўлди. Қатор чет эл газеталари саҳифаларида мамлакатимизда ҳукм сураётган байрамона кайфият билан бир қаторда, ушбу ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларимизга бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Хусусан Хитойнинг марказий нашрларидан бири бўлмиш «China Daily» газетаси энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўз ўқувчиларини мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни билан таништирувчи «Ўзбекистон сармомядорлари жалб этмоқда» сарлавҳали мақоласини эълон қилди.

Унда юртимизда 12 йил давомида амалга оширилиб келинаётган босқичма-босқич, изчил иқтисодий сиёсатимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак эътироф этилгани қайд этилган.

Мақолада Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, жадал суьратлар билан давом этаётган хусусийлаштириш жараёни, қулай сармомявий муҳит маҳаллий ҳамда хорижий сармомядорлар кизиқшининг ортисиға сабаб бўлаётганлиги таъкидланган.

«Ислохотлар жараёнининг кўп қирраллиги Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига катта туртки бўлмоқда. Мамлакатда 2003 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички миллий маҳсулот 3,8%, саноат маҳсулотлари 5,5%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3,8% га ўсган. Валюта захиралари мунтазам равишда ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятга эга эканидан далолат бериши билан бирга мамлакат иқтисодиётига янгида янги сармомявий киритилишининг гарови бўлиб хизмат қилади», — деб ёзади газета.

«Жаҳон» АА, Пекин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Хурматли ишбилармон

ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади.

- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Х.Дўстлиги шоҳкўчаси, 100-уйда жойлашган, ум.майдони 8178.0 кв.метр бўлган **12 қаватли маъмурий бино, бошланғич нархи 300 000 000 сўм.**

- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчасида жойлашган, қуйидаги қурилиши тугалланмаган бинолар:

- **D-блок, ум. майдони 4203.6 кв.метр, бошланғич нархи 425 000 000 сўм;**

- **E-блок, ум. майдони 6419.3 кв. метр, бошланғич нархи 150 000 000 сўм;**

- **F-блок, майдони 6104.5 кв. метр, бошланғич нархи 20 000 000 сўм;**

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11а-уйда жойлашган, бир қаватли ғиштли бино, ум.майдони 1642.0 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси, бошланғич нархи 750 000 000 сўм.

- Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчасида жойлашган, ум.майдони 3000.0 кв.метр бўлган, 3 қаватли темир-бетонли, қурилиши тугалланмаган савдо-маиший хизмат блоклари, бошланғич нархи 250 000 000 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинда «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51.
Факс: 133-20-74.

«Тошкент оқшоми»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2003 йилнинг 10,17,24,31 октябрь кунлари
аукцион савдоларини ўтказиши

Савдоларга:

-Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган «қиска муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизмати»нинг асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши. Бошланғич нархи 9 849 675 сўм ёки 13 132 АҚШ доллари миқдоридида ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади:

-Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Зиёмов кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,015 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 2 952 720 сўм.

-Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ-Хонобод йўналишида савдо дўконлари қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,012 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 543 920 сўм.

-Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шолохов кўчасида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,007 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 2 290 200 сўм.

-Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,024 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 3 479 220 сўм.

-Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчасида чойхона қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,025 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 3 573 750 сўм.

-Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда чойхона қуриш учун мўлжалланган, сатхи 0,025 га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. Бошланғич нархи 3 573 750 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 "А" уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхатилади. Савдолар соат 11-00да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархидан 5 фоизи миқдоридида закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Узўйжоймағармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 "А" уй. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2003 йилнинг 12,19,26 сентябрь кунлари
аукцион савдоларини ўтказиши

Савдоларга:

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитасига қарашли Солиқ коллежининг давлат белгиси 10А1 473 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 343 843 сўм.

«Муздаймोक» давлат унитар корхонасига қарашли, давлат белгиси 10 АЛ 314 бўлган, «МАЗ-500» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 800 000 сўм.

«Муздаймोक» давлат унитар корхонасига қарашли, давлат белгиси 10 АЛ 361 бўлган, «МАЗ-5429» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 800 000 сўм.

«Чимён» фирмасига қарашли давлат белгиси 10АС 771 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 750 000 сўм.

«Чимён» фирмасига қарашли давлат белгиси 10АС 419 бўлган «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 600 000 сўм.

«Чимён» фирмасига қарашли давлат белгиси 10АС 839 бўлган «Аудио-200» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 380 000 сўм.

«TOSHINVESTQURILISHBUTLASH» унитар корхонасига қарашли давлат белгиси 1692 ТНВ бўлган «ГАЗ-310200» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 300 000 сўм.

«TOSHINVESTQURILISHBUTLASH» унитар корхонасига қарашли давлат белгиси 10А1 385 бўлган «ГАЗ-53А» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 874 000 сўм.

«TOSHINVESTQURILISHBUTLASH» унитар корхонасига қарашли давлат белгиси 10А1 382 бўлган «КАВЗ-3270» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм.

«Автотарах УзАСХН» корхонасига қарашли давлат белгиси 54-79 ТНП бўлган «ИЖ-27151-01» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 45 000 сўм.

«Автотарах УзАСХН» корхонасига қарашли давлат белгиси 55-13 ТНП бўлган «Газ-5312» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 140 000 сўм.

«Автотарах УзАСХН» корхонасига қарашли давлат белгиси 55-00 ТНП бўлган «Газ-5205» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 120 000 сўм.

«Автотарах УзАСХН» корхонасига қарашли давлат белгиси 54-81 ТНП бўлган «Газ-Саз 3507» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 110 000 сўм.

«Автотарах УзАСХН» корхонасига қарашли давлат белгиси 74-33 ТНП бўлган «Газ-5204» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 97 500 сўм.

«Автотарах УзАСХН» корхонасига қарашли давлат белгиси 55-01 ТНП бўлган «Зил-133» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 120 000 сўм.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 "А" уйда ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхатилади. Савдолар соат 11-00да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридида закалат пулини Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармасининг «Узўйжоймағармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги МФО 00425, ИНН 200950435, 2020300000448035001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 "А" уй. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2003 йил 5 сентябрь кунини ўтказилган аукцион савдоларида:

С.Раҳимов тумани, Зиёмов ва Сағбон кўчаси бурчагида жойлашган, савдо мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатхи 0,0144 га бўлган 5 та ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи ҳар бири 3 000 000 сўмдан, ушбу манзилда жойлашган сатхи 0,024 га бўлган, қақхагона қуриш учун мўлжалланган 1 та ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 3 600 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

Газетанинг 2003 йил 13 августдаги 158-сонидида берилган эълонда кўрсатилган, ким ошди савдоларига қўйилган «Паркент бозори» ва «Авиасозлар бозори» очик турдаги акциядорлик жамиятлари ҳудудида жойлашган тургун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи савдолардан олинганлиги муносабати билан 11,16,18,23,25,30 сентябрь ҳамда 2,7,9,14,16,21,23,28,30 октябрь кунларига белгиланган ким ошди савдолари ўтказилмаслигини маълум қилади.

